

КОМПЕТЕНЦИЯ ВА КОМПЕТЕНТЛИК ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ

Бугунги кунда чет тилларни ўқитиш жараёнига компетенциявий ёндашув кенг тadbик қилинмоқда. Ушбу мақолани ёритишда, аввламбор, компетенция ва компетентлик тушунчаларига ойдинлик киритилган.

Калит сўзлар. Компетенция, компетенциявий ёндашув, компетентлик, педагогик маҳорат, педагогик қобилият.

Сегодня широко используется компетентностный подход к процессу обучения иностранным языкам. В освещении данной статьи, прежде всего, уточняются понятия компетентности и компетентности.

Ключевые слова. Компетентность, компетентностный подход, компетенция, педагогическое мастерство, педагогическое умение.

Today, the competence-based approach to the process of teaching foreign languages is widely used. In the coverage of this article, first of all, the concepts of competency and competence are clarified.

Key words. Competence, competence-based approach, competency, pedagogical skill.

Компетенция кенг маъноли тушунча бўлиб, унинг мазмун ва моҳияти олимлар томонидан турлича талқин қилинади. Хорижий тадқиқотларда “компетенция” ва “компетентлик” атамаларининг кўплаб талқинлари берилган

Компетенция – у ёки бу соҳа бўйича билимдонликни англатади. “Компетенция” (лотинча *competere* – эришаман, мос келаман, тўғри келаман) аниқ ташкилотга ёки лавозимдаги шахсга қонун, низом ёки бошқа ҳужжат билан тақдим этилган ваколатни билдиради.

D.Delamare-Le ва J.Winterton компетенцияни маълум бир фаолият талаб қиладиган стандарт хулқ-атвор, ўзини тутиш, компетентликни эса ушбу талаб (стандарт)га мослик даражаси, яъни компетенцияни намоёиш қилишнинг пировард натижаси, - деб тавсифлайдилар.

А.А.Вербицкий ва М.Д.Ильязовалар “компетенция” – бу инсон томонидан у ёки бу фаолиятнинг амалга оширилишини таъминловчи унинг мақсадлари, кадриятлари, мотивлари, шахсий сифатлари, билимлари, кўникмалари, малакалари, қобилиятлари ва тажрибалари тизими; компетентлик эса, амалиётда намоён бўлган ва амалга ошган инсоннинг амалий фаолият технологияларини эгаллаш даражаси ҳамда шахснинг ижтимоий-ахлоқий сифатлари ривож билан тавсифланувчи компетенцияси,- деб таърифлаганлар. А.С. Белкин компетенцияни таълим жараёнида самарали фаолият учун зарурий шарт-шароит яратувчи касбий ваколат, функциялар, компетентликни эса, компетенцияни самарали амалга оширишни таъминловчи касбий ва шахсий сифатлар мажмуаси сифатида таърифлаган.

Республикаимиз таълим тизимида ушбу тушунча 1990-йил бошларида кириб

келди. Мутахассислар томонидан, у турлича, лаёқат (Ж.Жалолов), омилкорлик (Т.Сатторов), маҳорат (педагогикада) каби тушунчалар билан номланган. Қуйида мамлакатимиз олимлари томонидан берилган таърифларни келтираимиз.

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да келтирилишича: “компетенция (лот. *competere* – эришяпман, муносибман, лойиқман) маъносини англатиб, муайян давлат органи (маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органи) ёки мансабдор шахснинг қонун, низом ёки бошқа ҳужжати билан белгиланган ваколатлари, ҳуқуқ ва бурчлари доираси; у ёки бу соҳадаги билимлар, тажриба демакдир”. Юқорида келтирилган тавсифларни инобатга олиб умумлаштирсак, компетенция – бу маълум бир соҳада самарали ишлаш учун зарур бўлган ва ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган шахснинг турли лаёқатлари ва хусусиятларининг йиғиндисидир.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ҳам ушбу атамага қуйидагича таъриф берилади: “компетенция (лотинча *competere*–лаёқатли, муносиб бўлмоқ) муайян орган ёки мансабдор шахснинг расмий ҳужжатларда белгиланган ваколатлари доираси, ваколат; шахснинг бирор бир соҳадан хабардорлиги, шу соҳани билиш даражаси”дир. Компетенция натижадорликни таъминлайдиган алгоритмнинг инсон имкониятлари орқали намоён бўлиши ҳамда инсоннинг мутахассис сифатидаги мақсадга йўналтирилган ва унинг имкониятларини тўла намоён этадиган ҳаракат фаолиятидир.

Б.Х.Ходжаевнинг фикрга кўра, компетенция-эгалланган билим, кўникма ва малакаларни кундалик ва касбий фаолиятда қўллаш олиш қобилиятидир.

К.Ж.Рискулова фикрига кўра, “компетенция” у ёки бу касб эгасига зарур бўлган касбий қонуниятлар, тамойиллар, талаблар, қоидалар, бурч, вазифа ҳамда мажбуриятлар, шунингдек, шахсий деонтологик меъёрлар йиғиндисини англатади. Компетентлик эса – шахс амалий фаолияти билан боғлиқ бўлиб, компетенция меъёрларини жамият талабларидан келиб чиққан ҳолда, креативлик асосида иш тажрибасида намоён этиш маҳоратида. Компетентликнинг асосий мезони самарали фаолият, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш билан белгиланади”.

Инсоннинг билиш фаолияти натижаларини тизимлаштириш, унинг тушунча ва ғоялар кўринишида мавжуд бўлган билимлардан фарқли ўлароқ, компетенция фақат амалда аниқланади. Умуман олганда, компетенция мавжуд билим, малака ва кўникмаларни амалда қўллашдир, етишмаётган билимларни таъминлаш қобилияти, ўз имкониятларини намоён этиш билан характерланадиган зарур билим, малака, кўникмаларнинг ҳосиласидир.

Илмий-методик адабиётларда компетенциянинг қуйидаги анъанавий таснифлари қайд этилган:

- жавобгарликни ўз зиммасига олиш, ҳамкорликда қарор қабул қилишда иштирок этиш қобилиятига боғлиқ сиёсий ва ижтимоий компетенциялар;
- маданияти, тили ва динидан қатъий назар бошқа инсонлар билан яшашга, уларни тушунишга, уларга ёрдам беришга ва ўзаро келишмовчиликларни бартараф этишга йўналтирилган, жамият ҳаётида учрайдиган компетенциялар;
- касбий фаолиятда ва жамият ҳаётида муҳим бўлган ёзма ва оғзаки мулоқотга эгалликни аниқловчи компетенциялар;
- ахборот жамиятининг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган компетенциялар (янги технологияларга эга бўлиш ва уларнинг афзаллик ва камчиликларини аниқлаш).

Шундан келиб чиққан ҳолда, таълим жараёнида компетенцияларнинг икки

асосий тури: таянч ва хусусий компетенцияларга бўлинади. Таянч компетенциялар инсоннинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга кириша олиш, жамиятда ўз ўрнини эгаллай олиш, дуч келадиган муаммоларнинг ечимини ҳал эта олиш, энг муҳими, ўз соҳаси, касби бўйича рақобатбардош бўла олиш кўникма-малакаларини таркиб топтиришга қаратилади. Улар қуйидаги турларга бўлинади: коммуникатив, ахборот билан ишлаш, шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш, ижтимоий фаол фуқаролик, умуммаданий, математик саводхонлик каби компетенциялардир.

Хусусий компетенция эса, таълимда ҳар бир ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида айнан ушбу фаннинг ўзига тегишли, ўзига хослиги ва фан мазмунидан келиб чиққан ҳолда, соҳага тегишли компетенциядир. Жумладан, инглиз тили ўрганишда тил ўрганувчиларда нутқий, лингвистик, лексик, ижтимоий-маданий ёки дискурс ҳамда стратегик компетенцияларни шакллантириш талаб этилади. Хорижий тилларни ўқитиш жараёнидаги муҳим ва энг долзарб масалалардан бири лексик компетенция масаласи бўлмоқда.

Қайд этиш керакки, таянч ва хусусий компетенциялар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, улар бир-бирини тўлдирган ҳолда шакллантириб борилсагина самарали натижа беради.

Шиддатли глобаллашув ва бозор муносабатлари шароитида меҳнат бозорида устувор ўрин эгаллаган кучли рақобатга бардошли бўлиш ҳар бир мутахассисдан касбий компетентликка эга бўлиш, уни изчил равишда ошириб боришни тақозо этмоқда. Юқорида “компетенция” тушунчаси моҳиятига юзлаган бўлсак, энди навбат “компетентлик” тушунчасига. Компетентлик атамаси лотинча “compete” сўзидан олинган бўлиб, “эришяпман”, “муносибман” деган маънони англатади ҳамда маълум соҳадан хабардорлигини, билишини ва тажрибага эга эканлигини билдиради. Жумладан, Г.Гарфинкель компетентликни шахснинг билим, кўникма ва тажрибалари, ижтимоий-профессионал, яъни жамиятда эгаллаган касбий мавқеига мослиги, ўз лавозим вазифаларини бажариш, унга доир муаммоларни ҳал қилишга қодирлиги деб тушунади. Унинг бу борадаги мулоҳазасидан компетентлик шахснинг муайян билим ва малакаларга эгаллиги ҳамда у ёки бу вазиятда самарали иш тутиши назарда тутилмоқда.

Профессор Н.Муслимов “компетентлик” тушунчаси фан ва таълим соҳасига психологик изланишлар натижасида кириб келганлигини баён қилган. Шу сабабли компетентлик “ноанъанавий вазиятлар, қутилмаган ҳолларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб боровчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгаллик” ни англатади деб таъкидлайди. Компетентлик меҳнат субъектига нисбатан аниқ фаолият талаблари ёки айнан субъектнинг аниқ фаолиятининг ўзига хос жиҳатларига нисбатан муносабатини тавсифловчи хусусият сифатида қўлланилади. Бу борада Р.П.Мильруд: “Компетентлик шахсий категория тарзида ўрганила бошланган, компетенциялар бўлса ўқув дастурлари бирликларига айланган ва компетенциянинг анатомиясини ташкил қилган” дея таъкидлаган. Демак, “компетентлик” тушунчаси муайян лаёқатга эга бўлиш билан бир қаторда ушбу фаолият турига нисбатан шахсий муносабатни ҳам кўрсатади. Яъни, бирор бир соҳада компетентли инсон шу соҳа ҳақида асосли фикр юритиш ва унда самарали фаолият олиб бориш учун мос билим ва қобилиятга эга бўлиши зарур.

Лингвистикада “компетенция” атамаси XX аср ўрталарида америкалик олим Н.Хомский томонидан киритилган ва “тил омилкорлиги” атамаси “тилни қўллаш” атамаси билан семантик жиҳатдан қарама-қарши маънода қўлланилган. Лекин илк мартаба ушбу атама шотландиялик олим Ж.Равен томонидан 1590 йилларда қўлланилган деб таърифланади Webster's Online Dictionary (“Competence” was first used in popular English literature: sometime before 1590) луғатида.

Бу атамаларнинг бир-биридан фарқ қилувчи томони “гапирувчи шахс ҳамда тингловчи шахс”нинг тил ҳақидаги билими ва уни амалда, яъни нутқ фаолиятида қўллаш даражасида эди. Ўтган асрнинг 70-йилларига келиб, уни Н.Хомскийнинг издошлари тилни потенциал билиш ва ҳақиқий тил эгасининг тили ҳақидаги билим, яъни тил компетенцияси ҳамда ҳар қандай аутентик ҳолатларда ҳақиқий нутқда қўллаш, яъни “тил фаоллиги” тушунчалари сифатида талқин эта бошлашди. Бу тушунчаларнинг мазмунига Д.Слобин ва Ж.Гринлар аниқ изоҳ берган ва улар “инсон назарий жиҳатдан гапириш ва тушуниш қобилиятига эга бўлсагина, амалда, яъни ҳар қандай аниқ вазиятда мулоқотга кириша олиши”ни таъкидлаганлар. Қисқа вақт оралиғида шу таҳлитдаги қарашлар вақт ўтиши билан, яъни тараққиёт билан боғлиқ ҳолда “компетенция” тушунчасининг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Бу эса, ўз навбатида, “лексик компетенция”, “стратегик компетенция”, “дискурс компетенция”, “коммуникатив компетенция” атамаларининг юзага келишига сабаб бўлди. Вақт ўтиши билан буларга қўшимча равишда – competencies – компетенциялар тушунчаси ҳам пайдо бўлди.

“Компетенция” атамаси чет тилларга нисбатан чет тилни эгаллаш даражасини аниқлаш учун 1996 йилда Страсбургда Европа Кенгаши билан ўтказилган коммуникатив йўналтирилган таълим кўламида ўқитиш бўйича тадқиқотлар доирасида қабул қилинган. Ўшанда “компетенция” ўқитишда эгалланган билим, кўникма ва малакалар асосида қандайдир фаолиятни бажаришга қобилият сифатида таърифланган.

Ж.Жалолов компетенция бу тилни ўрганишга ҳаракат қилмоқ, тил ўрганишга қобилиятли бўлмоқ деб таърифлаган.

Г.Селевко эса компетенцияга қуйидагича тавсиф беради: “...компетенция тил таълим натижасида шакллантириладиган билим, кўникма ва малакалардан иборат, у шахснинг интеграр хусусиятларини ифодалайди”.

Ҳозирги кунда компетенция сўзи лаёқат, компетентли лаёқатлилик, таълимда компетенция ва компетентлик эса, эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини ўз шахсий, касбий ҳамда ижтимоий фаолиятларда амалий қўллаш олиш лаёқатини шакллантиришга йўналтирилган таълим деб тушунилмоқда. Айнан, тил таълимида компетенциявий ёндашув таълим олувчиларнинг ўрганаётган тил материалларидан ва олинган ахборотлардан ўз ҳаётий фаолиятида оқилона фойдалана олиш, шу тилда ўз фикрини оғзаки ва ёзма тарзда мустақил ифодалаш ва нутқий вазиятларга мос равишда лексик бирликларни қўллаш олиш кўникма-малакаларини таркиб топтириш, яъни тилни мақсадли равишда амалий қўллаш олиш лаёқатини шакллантиришдан иборатдир.

Шу нуқтаи назардан, таълим сифати кўрсаткичларидан бири компетентлилик ҳисобланади. Компетентлилик фақатгина билим ва кўникмалар йиғиндиси бўлибгина қолмай, тингловчиларнинг эгаллаган билимларини мобиллаштириш ва аниқ вазиятларда тажрибада қўллаш олиши билан тавсифланади.

Инсоннинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга кириша

олиши, жамиятда ўз ўрнини эгаллай олиши, дуч келадиган муаммоларни еча олиши, ҳар томонлама кенг дунёқарашга ва билимга эга бўлиш учун, аввало, фанларни ўқитишни интеграциялаш, жамиятда ўзаро мулоқотга киришиши учун эса чет тилини мукамал ўзлаштириш ва мулоқотда самарали фойдалана олиш компетенциясини такомиллаштириш зарурдир.

Лингводидактикада лексика ва лексик компетенцияга турлича фикрлар билдирилган. О.Стародубцева таъкидлашича, мулоқотга киришиш учун муҳим бўлган коммуникатив компетенциянинг асоси бу – нутқ кўникма ва малакаларидир. Маълумки, ушбу кўникма ва малакаларнинг асосий компоненти-лексик бирликлардир.

И.Осадчая таърифича, лексик компетенцияда лексик кўникма ва малака мужассамлашган. Лексик кўникма эса, бу маълим бир лексик бирлик ҳақида маълумотга эга бўлиш, уни маъносини, қўлланилишини билиш демакдир.

39 тилда ёритилган Европа Кенгаши (CEFR) ҳужжатларида тил билиш компетенциясини "...knowledge of, and ability to use, the formal resources from which well-formed, meaningful messages may be assembled and formulated" (тил воситаларини билиш ва уни тўғри шакл ва маънодада ишлатишдир) деб таърифланган. Айнан лексик компетенцияга эса, "...knowledge of, and ability to use, the vocabulary of a language, consists of lexical elements and grammatical elements" (лексик ҳамда грамматик элементлардан таркиб топган тилнинг луғат таркибини ва ундан фойдаланиш) деб изоҳ берилган. Ушбу изоҳ лексик ва грамматик компонентлар ажралмас бўлак эканлигини кўрсатмоқда. Шу ўринда, лексик элементлар тушунчасига тўхталиб ўтсак.

Лексик элементлар бу:

а) фразеологик бирликлар:

– фразеологик гаплар-функционал вазифа бажарувчи нутқ штамплари, масалан, саломлашиш: How do you do? Good morning! мақоллар ва ибратли сўзлар (шу ўринда қайд этиш керакки, бу ерда халқ донишмандлигига урғу берилади) масалан, a stitch in time saves nine; идиомалар (иборалар) a sprat to catch a mackerel, a man's a man for a'that; муносабатни англатувчи сўзлар it takes all sorts to make a world; кийим кечакларга туширилган принт ёзувлар, граффити ва ҳоказолар мисол бўла олади.

– истеъмолдан чиққан сўзлар (Be off with you);

– маъносини йўқотган иборалар (He kicked the bucket);

– ташбеҳ ёки ўхшатиш конструкциялари яъни, худди, -дек, каби маъноларини ифодаловчи сўзлар (as white as snow, as white as a sheet);

– аниқ маъно ифодаловчи сўзлар модели (Please, may I have ...);

– фразеологик феъллар (to put up with, to make do);

– мураккаб предлоглар (in front of); -мутаносиб сўзлар (to make a speech/mistake);

б) алоҳида лексик бирликлар:

– полисемик сўзлар, яъни бир сўз бир нечта маънога эга бўлиши;

– тематикага оид лексик бирликлар (ҳафта кунлари, йил фасллари, ўлчов бирликлар ва ҳ.);

– маълум йўналишга (соҳа) оид лексик бирликлар (физика, математика, тилшунослик).

Грамматик элементлар бу:

– артиклар a, the;

– квалификаторлар some, all, many;

– кўрсатиш олмошлари this, these, that, those;

– кишилиқ олмошлари I, you, he, she, it, we, they;

– сўроқ олмошлари who, what, which, whom;

– ўзлик олмошлари my, your, his;

– модал феъллар;

– боғловчилар and, but, if, though ва ҳ.

CEFR (Common European Framework References) бўйича луғат бойлиги дескрипторлар (таърифлар) шкаласи икки параметр асосида ишлаб чиқилган. Бу ерда тил ўрганувчиларнинг луғат ва сўзлардан фойдалана олиш кўрсаткичлари келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

CEFR (Common European Framework References) дескрипторлар шкаласи

CEFR даражалари	Луғат бойлиги
C2	Лексик бирликларнинг коннотатив маъноларини тушунаман, сўз бойлигим кенг.
C1	Аъло даражада сўз бойлигига эгаман, фикримни билдираётганимда турли лексик бирликлардан фойдаланаман. Камдан-кам ҳолатда фикримни билдиришда қийинчилик сезаман.
B2	Яхши сўз бойлигига эгаман. Такорланишларга дуч келмасдан, фикримни қайтадан бошқа лексик бирликларни қўллаган ҳолда билдиришим мумкин.
B1	Кундалиқ турмуш тарзда қўлланиладиган мавзулар: уй, хобби, иш, саёҳат, кино ва ҳоказо мавзуларга оид сўзларни биламан.
A2	Мулоқотда сўраладиган умумий гапларни биламан.
A1	Алоҳида алоҳида сўзларни биламан.
CEFR даражалари	Лексик бирликлардан фойдалана олиш
C2	Ҳар доим хатосиз ва ўз ўрнида сўзларни қўллаш оламан.
C1	Деярли, хатосиз. Камдан-кам камчиликлар кузатилиши мумкин.
B2	Умуман олганда, лексик бирликларни ўз ўрнида қўллаш оламан. Лекин, сўз танлашда хатоларга йўл қўяман.
B1	Нотаниш мавзуларда сўз танлашда иккиланаман.
A2	Содда мавзуларга оид лексик бирликларни таглаш оламан.
A1	Дескриптор мавжуд эмас.

Дескрипторлар шкаласига кўра, шуни хулоса қилишимиз мумкинки, B1 даража A2 даражанинг мантикий давоми ва B2 даражага асос бўлиб хизмат қилади.

Педагог кадрларнинг нутқий фаолиятида тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув кўникмаларини дарс жараёнида бир-бири билан уйғунликда интегратив ёндашув асосида қўллаб дарс олиб борилиши самаралидир. Интегратив ёндашув тингловчиларда эркин мулоқот қилиш компетенциясини такомиллаштиришга

қаратилган инновацион технологияларни қўллаш, тингловчиларда мустақил ва жамоа бўлиб ишлаш кўникмаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур ёндашув таълим сифатининг сезиларли равишда ижобий томонга ўзгаришига ва тингловчиларнинг тил ўрганишга бўлган мотивациялари кучайишини кўришимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. D.Delamare-Le va J.Winterton (2016). The competence-performance issue in second-language acquisition theory: A debate. Research methodology in second-language acquisition, 3–15. Chicago.
2. Вербицкий А.А. Компетентностный подход и теория контекстного обучения. Материалы к 4-заседанию методологического семинара. 16 ноября 2004 год. Москва.
3. Белкин А.С. Основы возрастной педагогики. Учебное пособие для студентов педагогических учебных заведений. Москва.: “Академия”, 2000.
4. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. –Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. 8-жилд. – 55 б.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти, -Т.: 2006. 3 жилд. – 557 б.
6. Khodjayev V.H. Technology of historical thinking development of comprehensive school pupils. The Way of Science, 2014.
7. Рискулова К.Ж. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиси сациолингвистик компетенциясини шакллантириш тизими: Дис.канд.пед.наук: –Тошкент, 2017. 2 – С 335. – ISBN 5-469-00033-8.
8. Гарфинкель Г. Исследования по этнометодологии. – СПб.: Питер, 2007.

Nargiza RAJABOVA

*A.Avloniy nomidagi milliy-tadqiqot instituti
“Uzluksiz kasbiy ta’lim” kafedrasi katta o‘qituvchisi,
Toshkent, O‘zbekiston*

O‘ZBEKISTONDA OLIY TA’LIM MUASSASALARINING TA’LIM SIFATINI IFODALOVCHI MILLIY REYTING TIZIMI

Mazkur maqolada ta’lim sifatini nazorat qilish va baholashning dolzarbligi, oliy ta’lim muassasalari reyting ko’rsatkichlarini tashkil etishning xalqaro amaliyoti va O‘zbekistonda oliy ta’lim muassasalari reytingi tizimining joriy etilishi borasidagi ma’lumotlar bilan tanishtirib o‘tilgan. Shuningdek, oliy ta’lim muassasalari milliy reytingining o‘ziga xos xususiyatlari hamda baholash mezonlari bilan tanishtirilgan. Maqola yakunida esa muallifning sohada amalga oshirilgan ishlar yuzasidan shaxsiy fikr va mulohazalari keltirilgan.

Kalit so‘zlar. Ta’lim sifati, OTM, reyting tizimi, Web of Science, Scopus, Google Scholar, falsafa doktori (PhD), fan doktori (DSc), ta’lim standartlari, malaka talablari.

Данная статья знакомит с актуальностью мониторинга и оценки качества образования, международной практикой организации рейтинговых показателей высших учебных заведений, внедрением рейтинговой системы высших учебных заведений в Узбекистане. Также были введены особенности национального рейтинга высших учебных заведений и критерии оценки. В конце статьи даются личные мнения и комментарии автора о проделанной работе в данной области.

Ключевые слова. Качество образования, ВУЗ, рейтинговая система, Web of Science, Scopus, Google Scholar, доктор философии (PhD), доктор наук (DSc), образовательные стандарты, квалификационные требования

This article introduces the relevance of monitoring and evaluating the quality of education, the international practice of organizing the rating indicators of higher education institutions, and the implementation of the rating system of higher education institutions in Uzbekistan. Moreover, the specific features of the national rating and evaluation criteria of higher educational institutions have been introduced. At the end of the article, the author's personal opinions and comments on the work carried out in this field have been given.

Key words. Quality of education, HEIs, rating system, Web of Science, Scopus, Google Scholar, Doctor of Philosophy (PhD), Doctor of Science (DSc), educational standards, qualification requirements

So‘nggi yillarda mamlakatimizda barcha sohalar singari Oliy ta’lim tizimida ham islohotlar, bir qator ijobiy ishlar amalga oshirildi. Xususan, mazkur islohotlar doirasida bir qator oliy ta’lim muassasalarida o‘zini o‘zi moliyalashtirish tizimi joriy etildi, shuningdek, ularda ta’lim sifatini oshirish masalasiga katta e’tibor qaratila boshlandi.

Bu borada O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev o‘zining Oliy Majlisga murojaatnomasida shunday ta’kidlagan edi: “Oliy ta’lim tizimini yanada takomillashtirish borasida ham ko‘plab ishlar amalga oshirilmoqda. Jumladan, 2017-2021-yillarda oliy ta’lim tizimini kompleks rivojlantirish dasturi qabul qilindi. Yangi